КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!

БЕШ ЙИЛЛИККА ЯКУН ЯСАЛМОҚДА

Меҳнат календарида—декабрь

*60 КОРХОНА 1971 ЙИЛ ҲИСОБИГА ИШЛАЯПТИ

*ПЛАНДАН ТАШҚАРИ—100 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
1 ДЕКАБРЬ 1970 Й
СЕШАНБА
№ 283 (1351).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Декабрь ойи ҳалқ бошланди. Яна бир ойдан сўнг ишлаб чиқариш коллективларининг ишларига, новаторларнинг кўп йиллик ижодий изланишларига якун ясаймиз.

Тошкент меҳнаткашлари беш йилликнинг юбилей йилини қандай якунламоқдалар?

Бугун

биз шаҳар ишчиларининг ўзига хос планеркасини ўтказдик. Унда Ўзбекистон пойтахтидаги бир қатор саноат корхоналарининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари қатнашмоқдалар. Улар ўзлари эришган муваффақиятлар, келгусидаги режалари ҳамда иш жараёнида йўл қўйилган баъзи бир камчиликлар ҳақида сўзлаб берадилар.

Бугун

Собит қадамлар билан

УЗБЕКИСТОН КП ШАҲАР КОМИТЕТИ САНОАТ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА БЎЛИМИНИНГ МУДИРИ Н. А. ГАНИХЎЖАЕВ БИЛАН СУҲБАТ.

ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИГА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИДАГИ САНОАТ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИНИНГ 1970 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ — НОЯБРЬ ОЙЛАРИДА ХЎЖАЛИК -ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДАГИ ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР КЕЛА БОШЛАДИ.

Уларнинг анализи шуни кўрсатмоқдаки, ишчи коллективлари ленинча юбилей вахтасини шараф билан давом эттириб, партия XXIV съезди шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этмоқдалар.

23 ноябрда Тошкент меҳнат аҳли беш йиллик охирги йили ўн бир ойлик топшириғи муддатидан олдин бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Пландан ташқари 37 миллион сўмликдан ортиқ саноат маҳсулоти тайёрланди ва реализация қилинди.

Халқ хўжалик буюмларининг энг муҳим турлари бўйича буюмлар планда кўрсатилганидан анча ортиқ тайёрланди.

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, 1970 йил давлат плани муддатидан илгари адо этилади ва тошкентликлар планга қўшимча юз миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлайдилар.

Шу кунларда шаҳримиздаги саноат корхоналаридан беш йиллик топшириқ муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортлари кетма-кет келиб турибди. Эндиликда олтмишдан ортиқ саноат, транспорт ва алоқа корхонаси 1971 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

Пойтахтда биринчи бўлиб Ҳамза райони беш йиллик муддатини эгаллади.

Киров райони иккинчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекди. Бу ерда ўнта завод ва фабрика 1971 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Беш йиллик топшириқни Чилонзор ва Октябрь районлари ҳам муддатидан илгари бажардилар.

Ўтган давр ичида шаҳардаги саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва техникавий жиҳатдан қуроллантиришга 330 миллион сўм сарфланди.

Пойтахт саноат корхоналарининг коллективлари илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик - технологияси бюролари билан ҳамкорликда ишлаб 95 та янги машина, прибор, агрегатларни, 1,5 минг номдаги енгил ва озиқ-овқат саноати буюмларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Мамлакатимиз пахтачилигини ривожлантиришга тошкентлик ишчилар ва инженерлар қўли билан яратилган янги машиналар — «Т-28Х4» трактори, Ўзбекистон, «17ХВ—1,8» терим комбайнлари, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган тўрт тоннали прицеплар, айниқса катта роль ўйнади.

Бироқ, шаҳарда бир қатор корхоналар меъёрида ишламаяпти. Ўтган ўн ой ичида 5-гишт заводлари бошқармаси, Куйбишев район саноат комбинати, «Ташхимсельмаш», тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналар юзлаб минг сўмлик маҳсулотни кам бердилар.

КПСС XXIV съезди арафасида завод ва фабрикаларда меҳнаткашларнинг ижобий ташаббускорлари янада кўтариляпти.

Тошкент меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси-нинг XVIII съездини ва КПСС XXIV съездини янги зафарлар билан кутиб оладилар.

«Компрессор»ларнинг телефондаги «суҳбати»

Бугун



«КОМПРЕССОР» ЗАВОДИНИНГ КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТИ БИР ГРУППА ИШЧИЛАРНИНГ ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИ ОЧИЛГУНЧА ҚОЛГАН КУНЛАРНИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ КУНЛАРИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН КИРИТГАН ТАКЛИФЛАРИНИ КУРИБ ЧИҚДИ ВА УНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАДИ.

Шу йилнинг январь ойида, Ленин юбилейи арафасида, қуювчиларимиз юз кунлик зарбдор кунни эълон қилган эдилар. Бу нарса корхонага жуда катта фойда келтирди. Заводда январь—апрель ойларида бирорта ҳам қолоқ участка ва цех бўлмади.

Социалистик мусобақани авж олдириш туфайли, биринчи квартал ва ярим йиллик топшириқ ҳамда учинчи квартал плани муваффақиятли адо этилди.

Кеча мен телефон орқали Москвадаги «Компрессор» заводининг директори Михаил Эммануилович Кац билан суҳбатлашдим. Қуйида, ана шу суҳбат чоғида айтилган фикрларни гапирмоқчиман:

ТОШКЕНТ: Корхонанинг 1966—70 йиллар мобайнидаги дастлабки иш якунлари қандай бўлди?

МОСКВА: Биз ўз меҳнатимиз натижасидан мамнунмиз. 12 октябрь куни беш йилликни муддатидан илгари бажарганимиз ҳақида рапорт бердик. Йил охиригача пландан ташқари яна етти миллион сўмликка яқин маҳсулот берамиз.

ТОШКЕНТ: Бизнинг кўрсаткичларимиз бироз бошқачароқ. 1969 йили бирданига оширилган план туфайли маҳсулот ҳажми ва буюмларнинг номенклатураси бўйича бироз орқада қолдик. Ана шу нарса ўз таъсирини кўрсатяпти. Беш йилликни биз 16 декабрда бажарамиз, пландан ташқари эса уч юз етмиш минг сўмдан ортиқ буюм етказиб берамиз.

МОСКВА: Ҳўш, айтингчи, бунинг нимаси ёмон?

Бугунги кунда мен сизларни муборакбод этишни хоҳлар эдим. Тошкентлик компрессорчилар учинчи квартал социалистик мусобақа якунларига кўра Министрлиги корхоналари ичида учинчи ўринни эгаллади.

ТОШКЕНТ: Съезд олди мусобақаси даврида бир қанча коллективлар янги ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқмоқда. Ана шу хусусда москваликлар учун гоят характерли нарса нима?

МОСКВА: Яқинда, бизнинг беш ишчимиз — Груздев, Новожилов, Булова, Дежурнова ва Петров ўртоқлар янги ташаббус билан чиқдилар. Улар съезд очилишигача бўлган кунлар ичида зарбдорларча меҳнат қилишга қарор қилдилар.

ТОШКЕНТ: Бизнинг ишчиларимиз ҳам съездгача бўлган кунларни зарбдор кун деб эълон қилдилар.

МОСКВА: Демак, бизнинг иккала коллектив ҳам қимматли ташаббус билан чиқишибди-да.

***

Телефон орқали қилинган қизиқарли бу суҳбатга яна нималарни қўшиш мумкин? Бу ерда шуни айтиш керакки, москваликлар билан бўлган мусобақа тажрибаларимизни оширяпти, янги-янги ташаббусларнинг туғилишини таъминлаяпти. Беш йиллик мобайнида бизда меҳнат унумдорлиги 67 процентдан ошди. Коллективимиз маҳсулот ҳажми бўйича йиллик топшириқни 17 декабрга бажаришга қарор қилди.

Н. НОВАЧЕНКО,
«Компрессор» заводининг директори.

МУСОБАҚА ҚИЗИЯПТИ

Бугун

корхонамиз коллективининг беш йиллик планга қўшимча равишда ишлаб чиқарган маҳсулотлари 165 минг сўмга етди. Ремонтчилар бутун имкониятларини зиммага олган қўшимча мажбуриятни бажаришга қаратмоқдалар.

Заводимиз ишчи-хизматчилари юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам ғайрат кўрсатдилар. Социалистик мусобақани кенг кулоч олдирган коллективимиз беш йиллик топшириқни муддатидан илгари шараф билан бажарди. Шу давр ичида пландаги 8 миллион 265 минг сўмлик ўрнига 8 миллион 430 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхонамизда ким ўзарга авж олган мусобақада М. Гозиев, С. Мочалин, Г. Спиркин, Н. Михалев сингари илғорларимиз пешқадамлик қилишяпти. Уларнинг кўксини эса «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали безаб турибди.

«Беш йиллик планга қўшимча 340 минг сўмлик маҳсулот берамиз!» — бизнинг бугунги шиоримиз ана шундай.

А. ТОКАРЕВ,
Ўзбекистон ССР геология министрлигига қарашли ремонт-механика заводининг бош инженери.

Тонгги газеталарда

✦ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети тарихий сана — Арманистон Совет Социалистик Республикаси ва Арманистон Коммунистик партияси тузилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Арманистоннинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини ва уларнинг жанговар авангарди — коммунистларни қизғин табриклайдилар.

✦ Арманистон ССР меҳнаткашларининг революцион ҳаракатда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва жаҳонда биринчи кўп миллатли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлаш учун курашдаги катта хизматлари учун, Ватанимиз душманларига қарши жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ҳамда, коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари учун **Арманистон Совет Социалистик Республикаси СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлади.

✦ Тонгги газеталарда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет Арманистонининг эллик йиллигига бағишланган нутқи босилган.

✦ Узаро келишувга мувофиқ, шу йил декабрь ойи бошларида Берлинда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар қардош партиялари ва ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви бўлади.

ЯНВАРЬ РЕЖАЛАРИ



Бугун

ТРАКТОР ИИГУВ ЗАВОДИДА... ЯНВАРЬ ПЛАНЕРКАСИ, РЕЖАЛАРИ УТКАЗИЛДИ. ИЙЛИК ТОПШИРИҚ АДО ЭТИЛДИ.

Декабрь ойида келгуси йилнинг январь ойини қаршилаш қандай яхши. Машинасозлар беш йилликнинг охирги йилида ҳам яхши меҳнат қилишди. Йил бошидан бери 30,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Беш йилликнинг бошидан ҳисоблаганда эса, бугунги кунда тракторсозлар меҳнат календарларида 1971 йилнинг март ойини қаршилаб олдилар. Беш йиллик топшириқ 21 сентябрда бажарилди ва 1966—1970 йиллар топшириғига қўшимча 7,5 миллион сўмлик маҳсулот — тракторлар, редукторлар, эҳтиёт қисмлар ва мамлакатимиз пахтакорлари эҳтиёжига зарур бўлган бошқа буюмлар тайёрланади.

Ана шунинг учун, бугунги планеркада кўпгина масалалар истиқбол режаларига қаратилди. Унда бундан буён ҳам техника тараққиётини ривожлантириш, меҳнат интизомини ошириш ва шунга ўхшаш кўпгина масалалар қараб чиқилди.

Лекин планерка планерка-да. Унда 5-корпус деталлари цехининг бошлиғи А. Кабачокка, 12-механика цехининг бошлиғи Л. Хунунщга эътирозлар билдирилди, 4-тайёрлов-пресслаш цехи (бошлиғи Л. Кореньцвит)нинг завод раҳбарлигига эътирозлари ҳам эшитилди. Мана шу цех барча механика цехларига заготовкалар етказиб беради. Унинг бугун заводнинг бир меъёрда ишлашидаги роли каттадир.

Асбобсозлар адресига деярли ҳеч қандай эътирозлар бўлмади. Цех бошлиғи В. Дмитриев барча участкаларда механатни жуда яхши ташкил эта билди. Ана шунинг учун ҳам, цех коллективи мусобақада карвонбошилик қилди. Асбобсозлар январь —октябрь ойлари мусобақасига кўра, уч марта биринчи ўринни, икки марта эса иккинчи ўринни эгаллашди.

3-ремонт механика цехи коллективи етти ой мобайнида иккинчи ўринни эгаллади. Унга ишлаб чиқаришнинг тажрибали командири В. Токовенко раҳбарлик қиляпти.

Планеркада шестернялар тайёрлайдиган цех раҳбари Г. Филяев, 11-цех бошлиғи В. Федоров ва бошқа ўртоқларга ҳам ҳеч қандай эътирозлар билдирилмади.

Ирмоқлардан дарё ҳосил бўлгани каби, цехларнинг эришган ютуғи корхонанинг меҳнатда сафар қучишига сабаб бўляпти.

Беш йилликлар мобайнида завод ишчи ва инженерлари корхонани техника жиҳатидан қуроллантиришга эътиборни қаратдилар. Юздан ортиқ автомат, ярим автомат, ихтисослаштирилган станоклар ишга туширилди. Деталь корпусларига, редукторларга механик ишлов берадиган ўнта поток механизациялашган линиялар жорий этилди.

Янги техниканинг шарофати жуда яхши бўляпти.

Машинасозлар бундан буён ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги учун курашни давом эттирадилар.

О. НОВИЦКИЙ,
трактор йиғув заводининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер.

Суратда: директор планеркаси кетяпти. Ўнгдан учинчи — О. Новицкий.

М. Нуриддинов фотоси.

ВАҚТДАН ЎЗИБ...

Фабрикамиз меҳнат аҳли вақтдан ўзиб меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқда.

Бугун

УЛАРНИНГ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНГА ҚЎШИМЧА ТАЙЁРЛАГАН МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ 1 МИЛЛИОН 608 МИНГ СЎМДАН ОШИБ КЕТДИ.

Бу рақамлар замирида ҳикмат кўп. Ишчиларимизнинг фидокорона меҳнати, ишга коммунистик муносабатда бўлиши туфайли, ой сайин юксак кўрсаткичларга эришяпмиз. Ўтган ўн бир ой ичида қўлга киритган зафарларимиз билан танишинг. Шу давр ичида биз пландаги 6 миллион 850 минг сўмлик ўрнига 7 миллион 205 минг 200 сўмлик буюмлар тайёрладик ва реализация қилдик. Шундай қилиб, ўн бир ойлик топшириқ анча ошириб бажарилди.

Фабрикамиз чеварлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун курашиб, социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Улар партиямизнинг XXIV съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳду-паймон қилдилар. Бу юксак аҳдни бажариш ва жонажон партиямизнинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада корхонамизнинг Дилбар Юнусова, Муҳаййё Нурмуҳамедова, Адолат Солиҳова Маҳсума Мусаева сингари лобарлари ҳамкасб дугоналарига ўрнак бўлишяпти.

А. ОЛИМБОЕВ,
бадиий буюмлар фабрикасининг бош инженери.

Ютуқларни мустаҳкамлаб

Коллективимиз аъзолари беш йилликлар даврида баракали меҳнат қилдилар. Биз беш йиллик планни 3 октябрдаёқ бажариб қўйган эдик. Шу кунларда келаси йил ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпмиз.

«Меҳнат зафарларимиз партиямизнинг XXIV съездига» —коллективимиз аъзолари ана шундай шиор остида ишлаб, кш суръатини ва меҳнат ғайратини тобора оширяпти. Ишчиларимизнинг бир-бирлари билан социалистик мусобақаси эса яхши самаралар беряпти. Буни юбилей йилининг ўтган ўн бир ойи ичидаги кўрсаткичлардан ҳам яққол кўриш мумкин. Биз пландаги 15 миллион 327 минг сўм ўрнига 16 миллион 518 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Комбинатимиз ишчи-хизматчилари йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун бутун имкониятни ишга солмоқдалар.

С. ФЕДОСЕЕВ,
1-ун комбинатининг бош экономисти.

План бажарилиши хавф остида

Тошкент экскаватор заводи уч йилдан буён сурункасига давлатга экскаватор етказиб бериш планини бажармай келмоқда. 1968 йилда республика халқ хўжалиги заводдан 216 та, 1969 йилда 348 та, 1970 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 22 та кам экскаватор олди.

Мухбиримиз завод директори Н. Гликладга мурожаат қилиб, корхона бир меъёрда ишламаётганлигининг сабабини ва давлат қарзини узиш имконияти борми ёки йўқми эканлигини айтиб беришни сўради.

— Беш йиллик коллективимиз учун айниқса, оғир йиллар бўлди. 1968 йил ёзида завод бир мунча кучли «Э—304 В» янги экскаваторни ишлаб чиқаришга киришди. Бу, барча ишлаб чиқариш жараёнларини қайта қуришни талаб қилди. Шундан кейин анча вақтгача ишимиз юришмади. 1969 йил тўртинчи кварталда ўн минг квадрат метр ҳажмдаги қўшимча ишлаб чиқариш майдонини ишга тушириш планлаштирилган эди. Агар бу иш вақтида бажарилганда эди, биз янги техника билан қуролланган ва меҳнатнинг прогрессив методларидан фойдаланган бўлар эдик. Бу ерда қурувчилар бизни оёғимиздан чалишди, десак бўлади.

1970 йилнинг ўтган ўн ойида экскаваторлар ишлаб чиқариш планининг бажарилмаганига келганда шуни айтиш керакки, бу Андижондаги машинасозлик заводининг айбидир.

МУҲИМ ОМИЛ

Тошкентдаги 3-гишт заводлари бошқармасининг коллективи уч ойдан бери 1971 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Корхона товар маҳсулотини реализация қилиш беш йиллик топшириғини 21 сентябрда адо этган эди.

Бундай ютуққа аввало ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш туфайли эришилди. Эндиликда, тайёр маҳсулотларни автомашиналарга ортиш ишлари тўла механизация қилинган эди.

Корхонамизнинг ўз ишига моҳир ишчилари йил сайин маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқдалар. Уларнинг ғайрат-шижоати ва интилиши туфайли, заводимиз бошқармаси йиллик топшириқ 26 октябрда бажарилганлиги ҳақида галаба рапортига имзо чекди.

М. КОГАН,
Тошкентдаги 3-гишт заводлари бошқармасининг директори.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ШАҲАРЛАРНИ ВА БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ҲАМДА КЎЧАТ ВА ДАРАХТЛАРНИ САҚЛАШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш, уй-жой фондидан ҳамда кўчат ва дарахтлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш қоидаларини бузишга қарши курашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, давлат ва кооператив уйларида одам яшайдиган ва яшамайдиган биноларни, уйлар, ҳовлилар, хиёбонлар, парклар ва жамоат фойдаланадиган бошқа жойларнинг жиҳозларини, кўчат ва дарахтларни, гулзорларни, газонларни, ирригация шохобчаларини ва ерости инженерлик коммуникацияларини шикастлантирганлик, қурилиш материаллари ва бошқа буюмлар уюб қўйганлик ёки тегишли руҳсат олмай туриб, ҳовлиларни, қўчаларни ва майдонларни ковлаганлик, ковланган жойларни тартибга солиш, шунингдек қурилиш тамом бўлганидан кейин қурилиш майдончаларини тартибга солиш чораларини кўрмаганлик учун, башарти, бу ҳаракатлар жиноий жавобгарликка тортилишга олиб келмаса, гражданларга 10 сўмдан 50 сўмгача, уй бошқармаларининг, уй-жойлардан фойдаланиш конторларининг, ремонт, қурилиш ташкилотларининг масъабдор кишиларига эса 25 сўмдан 100 сўмгача бўлган миқдорда жарима солинади.

2. Ушбу фармоннинг биринчи моддасида кўзда тутилган жарима меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан солинади.

3. Ушбу фармоннинг биринчи моддасида кўзда тутилган қоидаларни бузиш натижасида етказилган моддий зарар қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 26 ноябрь. Тошкент шаҳри.

Иқтисодий билимлар — оммага

БИРИНЧИ ТЕМА:

БИЗНИНГ СОЦИАЛИСТИК ЭКОНОМИКАМИЗ

Жамоат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш

БУ ЙИЛГИ УҚУВ ЙИЛИДА БОШЛАНҒИЧ СИЕСИЙ МАКТАБДА «ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР АСОСИ» КУРСИНИ УРГАНИШГА КИРИШДИЛАР. БУ КУРСНИНГ ТАХМИНИЙ ПРОГРАММАСИ «ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА»НИНГ 1970 ЙИЛ 33-СОНИДА ВА «ПОЛИТИЧЕСКОЕ САМООБРАЗОВАНИЕ» ЖУРНАЛИНИНГ 1970 ЙИЛ 10-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЕДАКЦИЯСИ «ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР АСОСИ» КУРСИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ВА ПРОПАГАНДИСТЛАР ТАЛАБИГА МУВОФИҚ БУ КУРСНИНГ ҲАММА ТЕМАЛАРИ БУЙИЧА ҚУШИМЧА МАТЕРИАЛ ЭЪЛОН ҚИЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ.

«Бизнинг социалистик экономикамиз. Жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш» темасини ўрганишда тўртта асосий масалани қараб чиқиш зарур:

1. Социалистик экономиканинг ўзига хос томонлари ва афзалликлари.

2. СССР ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг тараққиёти.

3. Совет экономикасининг бош проблемаси.

4. Хўжалиқ ислоҳоти—ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг улкан омилидир.

Бу масалаларни ўрганиш учун уч машғулот ажратилади (олти соат).


Қисман иккинчи ва тўртинчи машғулотда тўла равишда тингловчилар билан қуйидаги масалалар бўйича суҳбат ўтказиш таклиф қилинади: а) социалистик мулкчиликнинг икки формасини ўзига хос ва ўхшаш томонлари; б) социалистик ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади; в) СССР ва Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йилларида экономиканинг тараққиёти; г) миллий даромаднинг ўсиши ва ундан фойдаланиш факторлари; д) умуман мамлакатда, республикада ва корхоналарда саккизинчи беш йиллик планнинг бажарилиши; е) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш—совет экономикасини янада ривожлантиришнинг бош проблемасидир; ж) ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари; з) ишлаб чиқариш резервлари ва иқтисод режимининг кучайтирилиши; и) иқтисодий ислоҳотнинг моҳияти, корхоналарнинг хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлаши;

В. И. ЛЕНИН социалистик экономика тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берган эди. Социалистик хўжаликнинг иқтисодий асосини икки шаклда—умумхалқ (давлат) ва кооператив-колхоз мулки шаклида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситаларига жамоат мулкчилиги ташкил қилади.

Социализм қуриш учун мамлакатни индустриаллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революцияни амалга ошириш зарур бўлди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда соноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиётида кескин сакраш рўй берди. 1969 йилдаги республикадаги ялпи саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1913 йилдагидан ўттиз етти баравар кўпдир.

Ўзбекистон саноатининг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши.



Совет ҳокимияти йилларида республикада халқ хўжалигини юксалтиришнинг асоси бўлган улкан ёнилғи-энергетика базаси барпо қилинди. Бу давр мобайнида электр қуввати ишлаб чиқариш беш минг ўн тўрт марта ортди. Ўзбекистонда ҳозир 1913 йилда Россиядаги электростанциялар ишлаб чиқарганидан 7,4 баравар кўп электр қуввати ишлаб чиқарилянти.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатда бўлгани сингари, республика олдида бош иқтисодий вазифа — жамиятнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун зарур бўлган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш вазифаси турибди.

Республикада бу проблемани ҳал қилиш бўйича ўтган беш йиллик мобайнида маълум ишлар амалга оширилди.

В. И. ЛЕНИН мураккаб вазифаларни ҳал қилаётганда, уларнинг энг асосийсини, ҳал қилувчи звеносини аниқлаб олиш керак, токи, уни ҳал қилиш ўзаро алоқадор бўлган бутун бир масалалар комплексини ҳал қилишга шароит яратсин, деган эди. СССР экономикаси тараққиётида жамоат ишлаб чиқариши ва унинг айрим тармоқлари самарадорлигини ошириш ана шундай асосий звенолардандир. Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш нисбатан оз маблағ, меҳнат ва моллия ресурсларнинг сарфлаб катта натижаларга эришишни билдиради.

Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ва меҳнат воситаларидан фойдаланиш икки: экстенсив йўл билан (ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат қилаётганлар сонини ошириш) ва интенсив йўл билан (ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг яхшиланиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши) бориши мумкин. Иккинчи йўналиш —ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш йўли унинг самарадорлигини оширишни белгилайди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, ҳали самарадорликнинг ошиши деган сўз эмас. Бу ўсишни оз маблағ ва меҳнат сарфлаб, олинган натижаларни харажатлар билан доим таққослаб ҳар бир сарфланган сўм, максимал фойда беришига эришиб, қўлга киритиш керак.

Фақат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида совет халқининг турмуш даражасини кўтарилишига эришиш мумкин. Саккизинчи беш йиллик планнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида муваффақият билан бажарилиши 1970 йилда ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақини КПСС XXIII съезди Директивларида белгиланган бир юз ўн беш сўм ўрнига, бир юз йигирма икки сўмга етказиш мумкин бўлди.

Илгари ишлаб чиқариш самарадорлиги ишлаб чиқариш натижаларига боғлиқ, деб таъкидланган эди. Саноат ишлаб чиқариши натижалари саноатда яратилган миллий даромад, яъни қайта яратилган таннарх билан анча тўлароқ белгиланади.

Миллий даромад ҳажми тармоқбига кишилар ва ишлаб чиқариш воситалари кирган ишлаб чиқариш кучлари тараққиётига боғлиқ; кишилар меҳнати миллий даромадни юзага келтиради, ишлаб чиқариш воситалари эса кишилар меҳнатининг моддий натижасидир. Лекин меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш воситаларини битта умумий кўрсаткич билан ўлчаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилаш учун қуйидагилар алоҳида ҳисобланади: а) миллий даромаднинг ишлаётган кишилар сонига, шу бойликни яратаётганлар сонига муносабати; б) миллий даромаднинг социалистик жамиятда ишлаб чиқариш фондлари бўлган ишлаб чиқариш воситаларига муносабати.

Бу кўрсаткичлардан биринчиси жонли меҳнатдан фойдаланишнинг самарадорлигини, яъни меҳнатнинг ижтимоий унумдорлигини, иккинчиси эса моддийлашган меҳнатнинг, яъни фонд фойдали иш коэффициентини самарадорлигини характерлайди.

Жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳақидаги масала совет экономистлари томонидан кенг муҳокама қилинянти. Хусусан бу кўрсаткични: а) меҳнат унумдорлиги ва фонд фойдали иш коэффициентининг ўсиши индекслари ҳосиласи сифатида; б) жамоат маҳсулотида миллий даромаднинг ҳажми ва ҳиссасининг ошиши сифатида; в) миллий даромаднинг моддий харажатларининг ўрнини тўлдирадиган фонд шу билан бирга ишлаб чиқариш доирасидаги ходимларнинг меҳнат сарфи ва самарадорликнинг норматив коэффициентига қўшайтирилган капитал харажатларга муносабати сифатида аниқлаш ҳақида фикрлар бор.

1968 йилда Ўзбекистонда миллий даромад 1960 йилдагига нисбатан 76 процент ошди. Шу вақтнинг давомида эса ишлаб чиқариш фондлари 156 процентга, ишчи ва хизматчиларнинг миқдори эса 56 процентга ошди.

Ўзбекистон ССРнинг 1968 йилдаги миллий даромадининг тармоқ структураси.



Саноат ишлаб чиқариш самарадорлигининг айрим томонларини характерлаш учун қатор кўрсаткичлар, жумладан, маҳсулотнинг қанча материал, капитал ва меҳнат талаб қилиши каби ва бошқа кўрсаткичлар ҳам қўлланилади.

Айрим корхоналарда миллий даромад миқдорини ўлчаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бундай жойларда ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш учун фонда ва реализация қилинган маҳсулотдан фойдаланилади.

1968 йилда Ўзбекистон ССРда миллий даромаднинг истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилиши миллион сўм ҳисобида.



Ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва меҳнат унумдорлиги корхонадаги ишлаб чиқариш самарадорлигини умумий характерловчи икки умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Лекин ишлаб чиқаришнинг айрим томонлари самарадорлигини аниқлаш учун бошқа айрим кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳам зарурдир.

Саноат ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари КПСС Программасида. КПСС XXIII съезди қарорларида. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1965), декабрь (1969) Пленумлари қарорларида, шу билан бирга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида иқтисод режимини кучайтириш ҳақида»ги хатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XXI Пленумида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан рационал фойдаланиш, асбоб ускуналарни янгилаш, замонавий фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг ҳар бир минутидан ҳар бир машина ва механизмдан, ҳар бир грамм хом ашё ва ёқилғидан билиб фойдаланиш хусусида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш зарурлиги таъкидланган.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун илмий техника прогрессини ҳар томонлама тезлатиш, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини кенг ва ҳар томонлама жорий қилишини таъминлаш зарур.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари турли-тумандир. Уларни икита катта группага—халқ хўжалиги ва ички хўжалик группасига бўлиш мумкин. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг халқ хўжалиги йўлига қуйидагилар киради; прогрессив тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш; асосий халқ хўжалиги пропорцияларини такомиллаштириш; ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлашиши; меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш; ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва комбинациялаш; ва ички хўжалик группасига: ишлаб чиқаришни планлаштиришни такомиллаштириш; ишлаб чиқаришни ва бошқаришни яхшилаш, иқтисодий рағбатлантириш системасини такомиллаштириш, моддий техника таъминотини ташкил қилишни яхшилаш; капитал қурилишни рационал ташкил қилиш.

КПСС Программасида саноатни интенсив ривожлантириш, унинг структурасида йирик прогрессив ўзгаришлар қилишни талаб этишни кўрсатилган. Энг зўр техника тараққиётини таъминловчи янги тармоқларнинг роли, айниқса, ортади. Ҳозирги вақтда энергетика, химия саноати, машинасозлик, биринчи навбатда приборозлик, радиоэлектроника, шу билан бирга хўжаликнинг барча тармоқларининг ўсиши ва техника тараққиётига таъсир қилувчи қатор соҳалар нисбатан жадал суръатлар билан тараққий этяпти.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги, шу билан бирга асосий халқ хўжалиги пропорцияларининг такомиллаштирилишига ҳам боғлиқ. Бу ишлаб чиқариш ва истеъмол, истеъмол ва жамғарма ўртасида, ишлаб чиқариш воситаларини маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўртасида, саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасида, шу билан бирга халқ хўжалигидаги ва саноат ичидаги тармоқлар ўртасида халқ хўжалиги пропорцияларининг рационал таъминланишини назарда тутади.

Ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлашиши, кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишини белгилайди. Бунинг учун эркин меҳнат ресурслари бўлган ўрта ва кичик шаҳарларда корхоналар қуриш, шу билан бирга оғир ва енгил саноат ишлаб чиқаришини мувофиқ равишда жойлаштириш лозим. Бу эркак ва аёл меҳнатидан яхши фойдаланиш имконини беради.

Меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш рентабеллиги корхонада самарадорликни оширишнинг асосий кўрсаткичларидир. Шунинг учун, корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари, ана шу кўрсаткичларни яхшилашни таъминлайдиган тадбирлардан иборат бўлади.

Ҳозирги вақтда саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган барча имкониятларни техпромфинпланнинг махсус бўлими — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўлимида акс эттирадилар. Бу бўлимда самарадорликни ошириш қуйидаги йўллар билан: а) илғор техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқариш поток линияларини яратиш; б) корхона бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш; в) ишлаб чиқаришни планлаштиришни такомиллаштириш; д) буюмларнинг янги хил ва намуналарини яратиш, уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва сифатини яхшилаш; е) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни модернизациялаш; ж) стандартлаш ва унификациялаштириш; з) ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва комбинациялаш; и) меҳнатни илмий асосда ташкил этиш усулларини жорий этиш; к) эскирган ускуналар ва асбобларни модернизациялаш ва янгилаш; л) хом ашё ва энергияни тежаш; м) янги хил материалларни жорий этиш йўллари билан амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш планида бажариладиган ишларнинг муддати, уларнинг таннархи, молиявий таъминот манбалари, мазкур ишларнинг техника характеристикаси, шартли йиллик иқтисод ва харажатларнинг ўз-ўзини қоплаши аниқ кўрсатилиши лозим.

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари коллективларининг кучи билан 1970 йилнинг тўққиз ойи ичида 800 тоннадан зиёд турли материаллар, миллион киловаттдан ортиқ электр қувватни тежалди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўғаноқ солиб қўйди», деб таъкидланган эди.

Урушдан кейинги даврда (1946—1965 йилларда) ишлаб чиқариш кучлари тараққиётида сон ва сифат жиҳатидан кескин юксалиш юз берди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми шу давр ичида ўн баравар кўпайди. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технология жорий этилди, ишлаб чиқариш структураси ўзгарди, ижтимоий меҳнат тақсимоти кенгайди, кадрлар составида сифат жиҳатидан улкан ўзгариш юз берди. Олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган мутахассислар сони тўрт баравар кўпайди. Ишчиларнинг ярми тўлиқ ва тулиқсиз ўрта маълумотга эга бўлди.

Агарда илгари хўжаликка раҳбарликни яхшилаш бўйича айрим тадбирлар ўтказиб келинган бўлса, янги хўжалиқ ислоҳоти олдимизга бошқарув, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш муаммоларини комплекс, планли равишда ҳал этишни таъминлаш масаласини қўйди.

Буржуа иқтисодчилари, турли антисовет уйдирмалар билан чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган хўжалик ислоҳотининг совет саноатидаги қандайдир «кризис» билан боғлиқ эканлигини исботлашга уринмоқдалар. Аммо конкрет далиллар бу бўҳтонни рад этади. Социалистик саноат улкан муваффақиятларга эришди. Етти йиллик мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми пландаги 80 процент ўрнига 85 процентга ўсди.

Шу билан бирга етти йиллиқнинг сўнгги йилларида айрим техника-иқтисодий кўрсаткичлар бир мунча пасайди. Чунки, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш суръати қисман сусайган бир пайтда саноат ишлаб чиқариш фонди аввалги суръатлар билан ўсаверади. Натижада, сарфланган маблағ ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ўртасида тафовут юз берди. Бу, хўжаликка раҳбарлик қилишда социалистик система очиб берган барча қулайликлар ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаганидан далолат беради. Саноатдаги бошқариш, планлаштириш ва рағбатлантиришнинг мавжуд формалари сўнгги йилларда замонавий техника-иқтисодий шароитларга ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига жавоб бермай қўйди.

Мамлакатимиз хўжалик ислоҳоти уч бош йўналиш: а) ишлаб чиқаришга раҳбарликни такомиллаштириш; б) планлаштиришни такомиллаштириш; в) иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш бўйича амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1965) Пленуми планлаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаб берди. Бу йўналишлар қуйидагилардан иборат: а) перспектив планларнинг ролини ошириш; беш йиллик план (энг муҳим топшириқларни йилларга тақсимлаб чиққан ҳолда) халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планлаштиришининг асосий формасига айланиши зарур; б) корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш мақсадида улар учун юқоридан туриб тасдиқланадиган кўрсаткичлар сонини кискартириш ва ишлаб чиқариш самарадорлиги (фойда, рентабеллик, реализация қилинган маҳсулот ҳажми)ни характерловчи, белгиловчи кўрсаткични ўрнатиш; в) марказлашган давлат планлаштиришни билан корхоналарнинг кенг хўжалик ташаббуси тўғри қўшиб олиб боришини таъминлаш; г) корхоналар учун саноат тармоқлари ва корхоналар группаларининг аниқ хусусиятлари назарда тутилган ҳолда илмий асосланган нормативлар ва техника-иқтисодий ҳисоблар базасида тузилган қатъий планлар белгилаш; д) олдиндан, халқ хўжалик планлари тузилгунга қадар, муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган, фан ва техникани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақидаги, халқ хўжалигида фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш; е) корхоналарнинг кўнгилли равишда оширилган план олишини рағбатлантириш.

Ишлаб чиқаришда иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш, яъни ишлаб чиқаришга корхоналар коллективларининг иқтисодий манфаатлари орқали таъсир этиш, хўжалик ислоҳотининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

КПСС XXIII съездининг қарорларида кўрсатилганидек, жамоат ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш учун «... ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси очиб бераётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш» лозим.

Ҳозирги вақтда номенклатура бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми, фойда ва рентабеллик планнинг белгиловчи кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ундайди.

Корхона ихтиёрида қолдириладиган фойданинг миқдори ҳозир уларнинг ўз хўжалик фаолияти яхшиланишига боғлиқ. Фойда эса, корхона учун иқтисодий рағбатлантириш фондларини ташкил этиш, шахсий капитал қурилишларни маблағ билан таъминлаш, оборот маблағини кўпайтириш ва бошқа харажатлар учун асосий манба ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш фондларидан яхши фойдаланишда корхоналарнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида фондлар таннархидан қатъий назар олинган фойдадан корхонанинг бюджетга тўловлари — асосий ишлаб чиқариш фондлари ва оборот маблағлари учун тўловлар белгиланди. Булар ҳаммаси корхонани фойда умумий миқдорини, шу билан бирга ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўми ҳисобига ҳажмини оширишга ундайди.

Иқтисодий манфаатдорликнинг янги системаси корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва рағбатлантириш фондлари ташкил этишни назарда тутади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига фойдадан ажратиладиган маблағлардан ташқари. аммортизация учун ажратилган, маблағларнинг бир қисми ҳам қўшилади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондидан ишлаб чиқаришни техник такомиллаштиришда фойда ланилади.


Илгари ишлаб чиқариш коллективлари ва ҳар бир ходимнинг корхона ишининг умумий натижалари яхшиланишидан манфаатдорлиги етарли эмасди. Корхона ва айрим ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида рағбатлантириш фонди ва социал-маданий тадбирлар ҳамда турар-жой қурилиши фондлари ташкил қилинади. Бу фондларни ташкил қилиш учун пландаги йиллик иш ҳақи фондининг проценти ҳисобида фойдадан ажратиладиган маблағларнинг нормативи белгиланади: — ўтган йил билан солиштирганда ушбу йил планида кўзда тутилган маҳсулот реализацияси ва фойда ҳажми ортишининг ҳар бир процента ҳисобидан; — йиллик планда кўзда тутилган рентабеллиқнинг ҳар бир процента ҳисобидан.

Ҳозирги вақтда тажриба тариқасида рағбатлантириш фондлари ташкил қилиш методикасининг бошқа вариантлари ҳам ўрганилянти ва ишлаб чиқиляпти.

Хўжалик ислоҳоти секинаста ва ташкилий равишда амалга ошириляпти. Агар 1966 йилда янгича системада республика бўйича олтита корхона ишлаган бўлса, 1970 йилга келиб барча корхоналарнинг тўртдан уч қисми янгича система бўйича ишлай бошлади.

Хўжалик ислоҳоти чиқариш, самарадорлигини ошириш корхона фаолиятининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш йўлидан бораётган социалистик мусобақанинг авж олишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССР ва Тошкент шаҳридаги планлаштириш ва моддий манфаатдорликнинг янги системаси бўйича ишлаётган корхоналар.



Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларни иқтисодий тарбиялашни янада яхшилаш, партия иқтисодий сиёсатининг актуал масалаларига, хўжалик ислоҳотини такомиллаштиришнинг муаммоларига эътиборни кучайтиришни, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқлари, илғор тажрибаларни жорий қилишни талаб қилади.

Иқтисодий билимларни пропаганда қилишнинг КПСС хўжалик сиёсати билан мустаҳкам алоқадорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қулай шароитлар яратади.

Б. ФАФАНОВ,
Тошкент олий партия мактаби доценти, иқтисод фанлари кандидати.

Мазкур тема бўйича адабиётлар

«Экономическая газета»нинг 1970 йилдаги 33,40-сонларида ва «Политическое самообразование» журналининг шу йил 10-сонида эълон қилинган. Қуйида қўшимча адабиётлар рўйхати берилади:

Ўзбекистон КП Марказий Комитети XXI Пленумининг қарори.

АНИСИМКИН И. Г. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги шароитида саноатга партия раҳбарлигини амалга ошириш бўйича КПСС XXIII съезди қарорларининг бажарилиши тўғрисида. («Правда Востока» газетасининг 1969 йил 5 февраль сони).

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси. Экономика институти. Ўзбекистон саноатида иқтисодий ислоҳот Масъул муҳаррир О. Б. Жамолов. «Фан», 1969 йил.

БАТИГИН. А. Г. Хўжалик ислоҳоти ва меҳнат унумдорлиги. «Ўзбекистон», 1967 йил.

КАЛЯКИН П, ҲИКМАТОВ А. Ўзбекистон ССР саноати ва қурилишида иқтисодий самарадорлик.

КАЛЯКИН П. ФАЙЗИЕВ Ҳ. Хўжалик ислоҳоти ва Ўзбекистон пойафзал саноатининг экономикаси.

СКОПЦОВ Г. Н. Бизнинг социалистик экономикамиз. Жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш. «Ўзбекистон агитатори» 1970 йил 21 ва 22-сонлари.

ҲИКМАТОВ А. Капитал маблағлар самарадорлигининг ўсиши.

ХЎЖАЕВ Ш. А. ДУБРОВСКИЙ В. Ф. Ўзбекистон ССР корхоналарини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказиш практикаси. Ўзбекистон ССР Госплани илмий-техника ахбороти ва пропаганда институти. Тошкент, 1968 йил.

«ЭКОНОМИКА И ЖИЗНЬ» журнали 1966—1970 йиллар.

ЭРГАШЕВ Т. ТУРСУНХЎЖАЕВ М. Ўзбекистон енгил саноатида иқтисодий ислоҳот. «Ўзбекистон», 1969 йил.

Султон АКБАРИЙ

ЯНГИ ТИЗМАЛАР

Йилларимиз рўзномасида

Йилларимиз рўзномасида
Қуришдир бош масала.
Инсон агар ташкилий ишни
Қуришдан бошламаса,
Кунгурадор деворли пойтахт,
Не-не шаҳри азимлар,
Довруқ солган воҳаю водий,
Фарғона, Хоразмлар,
Ва осори атиқа шакли,
Ва Тошкентдай антиқа
Қайдин пайдо бўлурди десак,
Савол тўғри мантиқан.
Ҳеч нима йўқ қуришсиз асли,
Ҳаттоки чўнг тарихлар,
Ҳатто бугун шилдираб
турган
Кўк томирдай ариқлар.
Қурмасак гар, асрлар ранги
Турмай ўчиб кетарди.
Тортмасак гар саҳро
танобин,
Қумлар кўчиб кетарди.
Қурмасак гар, бўлмасдик
шоир
Йигирма олти ёшда,
Номларимиз ўйилмас эди
Қўшиқ тинганда тошда.
Йилларимиз рўзномасида
Қуришдир бош масала.
Янги қалъа, бекат, қўрғонча,
Тахнатош, масалан.
Сим уйларга ёғоч тарашлаб,
Тўхтамас пойтешамиз.
Коммунизм ишқида терлаб,
Гап деганни эшамиз.
Тўққизинчи беш йилликда
ҳам
Қурамиз завод, ГЭСлар.
Бу кунларни келгуси авлод
Қаҳрамонликдай эслар.
Йилларимиз рўзномасида
Қуришдир бош масала...

Тасалли

Кириб келди элликка шоир.
Кўп қайғурди дунёга доир,
Лек наздида норасидадир.
Ҳануз узун аризаларда,
Тантаналы маърузаларда
«Ва бошқалар» орасидадир.
Бир шуниси берур тасалли:
Бедорлиги, дарди-ла асли
Шаҳло кўзлар орасидадир.
Ясалса-да танаси лойдан,
Оҳлар узиб энг теран
жойдан,
Шоирликнинг чорасидадир.
Кечалари ўчирмас чироқ,
Шуҳратларга ўч эмас, бироқ.
Гап ҳалоллик борасидадир.
Қариб келди шоир боёқиш,
Хаёлида бошдан-оёқ иш,
Умри тугал бир қасидадир.

Бир оқшом

Бир оқшом, бир оқшом
Енимда қол.
Бир оқшом, бир оқшом
Жонимни ол.
Соҳибжамол.
Бир оқшом бол ичир,
Тилларн бол.
Бир оқшом баҳорин
Ёдимга сол.
Боғи шамол.
Бир оқшом гул ўйна,
Уйларга тол.
Бир оқшом қаймоқлаш,
Бағримда қол.
Эй баркамол.

Эртак кутиш

Қаттиқ ерни таталаб,
Бодраб чиқди бойчечак.
Хаёлини аталаб,
Шоирлар кутар эртак.
Эртак кутар ўртана,
Пешанасин уқалаб.
Эртак кутар бўтана
Сой сувини ёқалаб.
Эртак кутар шалоббо,
Оқ қайрағоч тагида,
Ёқимли боди сабо,
Камалак илинжида.
Қаттиқ ерни таталаб,
Бодраб чиқди бойчечак.
Хаёлини аталаб,
Шоирлар кутар эртак,

Педагог минбари

Қайси касбни севасиз?

Ҳунар — адо бўлмас бойлик дейдилар. Бу гап бежиз айтилмаган. Зеро, ҳунарманд киши турмушда ҳеч қандай ғийбат чекмайди, доим бахт-иқболга интилади.

Бирор касб-ҳунарни эгаллашга ёшликдан ихлос қўйиш, уни севиш ва мунтазам равишда унинг сирларини ўрганиб бориш айни муддаодир. Ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашлари учун бизда ҳамма шароитлар мавжуд. Ким нима касбни ёки ҳунарни ўрганаман деса, агар унга ихлос билан интилса, албатта эришади.

Мактабларимизда ўқитиладиган барча аниқ ва гуманитар фанлар ёшларимизнинг қайси касб-ҳунарни эгаллашларига қулай шароитлар туғдиради. Ҳар бир ўқитувчи ўз фанини ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг маълум соҳага бўлган қизиқишларини ошириб боради. Айниқса, мактабларимизда меҳнат дарслари ўқувчиларнинг дурадгорлик, токарлик, слесарлик, фрезировкачи, пайвандчи, тўқувчи, боғбон, сабзавотчи, тикувчи ва бошқа ҳунарлар асосини ўргатиш билан бир вақтда, уларни шу касб-ҳунарларга бўлган қизиқишларини шакллантириб боради.

Ўқувчиларнинг касб танлаш бўйича қизиқишлари мактабдаги бутун ўқув-тарбия процессида ҳам шаклланиб бормоғи керак. Шунинг учун ҳам, мактабдаги илмий ишлар ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлаб чиқариш процессини ва унда ишлаётган кишиларнинг меҳнат фаолиятларини ифода этувчи жараён билан таништириш ўқувчиларнинг касб танлашларида муносиб ҳисса қўшади.

Ўқувчиларнинг касб танлашида синфдан ва мактабдан ташқари вақтларда ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётларнинг роли ҳам катта. Ўқувчиларни, айниқса, маҳаллий ўлка шароитида оммавий равишда зарур бўлган соҳага қизиқишларини шакллантириб бориш ҳар бир педагогик коллективдан бу масалага алоҳида ижодий ёндошишни талаб этади.

Ўқувчи предметлар бўйича ташкил этилган тўгаракларда иштирок этиб, ўзини қизиқтирган соҳа бўйича чуқур практик билим олмоғи ва тадқиқот этиш меҳнатининг баъзи бир элементларини ўзлаштирмоғи керак. Жумладан, у илмий оммабоп адабиётлардан мустақил фойдалана оладиган, тажриба участкасида синаб кўрилаётган ўсимликнинг эксперимент жараёнини кузатиб борадиган ,шахсий кузатиш асосида баъзи бир хулосалар чиқара оладиган, диаграмма, схема, таблицалар ва қисқа ахборот ёки докладлар туза оладиган бўлмоғи керак.

Баъзи бир ёшлар мактабда ва оилада жамият манфаати йўлида меҳнат қилишда амалий ва психологик жиҳатдан тайёрланмаганликлар натижасида, мактабни битириб чиққандан кейин, меҳнатга бўлган ҳаракатларининг пассивлиги меҳнат унумдорлигининг ошмаслигига, бошлаган ишни ярим йўлда қолдиришга ёки зўр завқ билан бошлаган ишни ҳафсаласизлик билан якунлаб, на ўзи ва на атрофдагилар ҳеч қандай маънавий қаноат олмайдиган ҳолда таъмомлаш ҳолларига олиб келади. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларга меҳнат таълими берилаётган пайтда унда, албатта, ижтимоий фойдали меҳнат билан ўз меҳнатига шахсий жавобгарлик туйғусини шакллантириш, меҳнат қилиш учунгина эмас, тез ва иқтисод қилиб, яхши меҳнат қилишга, ўз меҳнатининг маҳсулига талабчанлик билан қарайдиган иродада тарбиялашга эришмоқ даркор. Шунингдек, ўқувчини касбни тўғри танлаш, меҳнат қилиш ва уни тўғри адо этишга одатлантиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўқувчини ижодий меҳнат қилишга одатлантирган маъқул. Ўқувчи агарда бажараётган меҳнатининг ижтимоий моҳиятини онгли равишда, тушунса, унда меҳнатдан фахрланиш ҳис-туйғуси вужудга келади.

Ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишларини уйғотишда мактаб педагогик коллективи билан ота-оналар ўртасида узвий алоқа боғланган бўлмоғи даркор. Шундай қилгандагина болани у ёки бу ҳунарга қизиқишини ҳам онлада, ҳам мактабда камол топиши учун шарт-шароитлар яратилади.

Т. ТОШПЎЛАТОВ.

Академик Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон ССР педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

ПИЁЗНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТИ

Харьковдаги медицина институти фармакология кафедрасининг олимлари юрак-томир, меъда-ичак ва бошқа касалликларни даволаш учун янги дори-дармонлар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Кафедра мудири, Украина ССРнинг хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Николай Харченко АПН мухбирининг илтимоси билан янги даволаш воситалари ҳақида гапириб берди.

Совет Иттифоқи территориясида икки мингдан кўпроқ ўсимлик тури учрайди. Уларнинг кўпидан дори-дармон тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин. Масалан, ҳаммага маълум бўлган пиёзда кўпгина фойдали моддалар мавжуд. Кўпгина микроблар группасини ўлдирадиган C_1, B_2 витаминлари, А-коротин, фитоцид провитаминлари шулар жумласидандир.

Харьковлик олимлар пиёзнинг киши организмига бўлган таъсирини ўрганишга ўн йиллик меҳнатларини бағишладилар. Натижада, оллилчепдек янги дори-дармон яратилди. Бу дори овқат ҳазм қилиш системасига яхши таъсир этади, айниқса, мадорсизланган юрак ишини яхшилайди. Ҳатто, оллилчеп бир миллионга суюлтирилганда ҳам юракнинг сиртқи томирларини кенгайтиради.

Дори таъсирининг маълумотлари Харьков клиникаларида ўтказилган тажрибаларда тасдиқланди. Унинг склеротик формадаги қон босими, ичаклар заифлашувини даволашда фойдали эканлиги маълум бўлди.

Яқинда, Харьков фармакологлари пиёздан тайёрланган қуруқ дорини хусусиятини ўрганишни тугалладилар. Бир гуруҳ қўёнларда эксперименталь атеросклероз касаллиги пайдо қилишди. Шу дори билан икки ой даволаш натижасида қондаги холестерин даражаси анча камайди. Лицетин миқдори кўпайди. Бундан ташқари, қўёнларга атеросклероз пайдо қиладиган холестеринни кўп миқдорда эмлаш билан бир вақтда, пиёздан тайёрланган қуруқ дори берилиши томирлардаги хавфли ўзгаришларнинг ҳужумини кескин заифлаштирди. Бу эса, дорининг даволаш воситасигина эмас, балки касаллик олдини олиш воситаси ҳам бўла олишини кўрсатди.

Биз оддий бош пиёздан (энг яхшиси пўсти зарарланмаган қизил рангли бош пиёздан) сиқиб олинган янги шарбат билан ҳам тажриба қилиб кўрдик. Энди биз ишонч билан кўпроқ пиёз енглар деб айта оламиз.

Пиёз шарбати йирингли яраларни даволашда қўлланиши мумкин. У бўғма ва сил касалликларининг таёқчаларини ўлдиради ,ўзининг учувчан фракцияси билан томоқ оғриги, грипп, касалликларига, ўпкадаги йирингловчи жараёнларга қарши гоят фойдалидир.

Ҳамманинг сотиб олиши мумкин бўлган арзон пиёз тўғри асралса, шифобахш хусусиятини узоқ вақт сақлаб қола олади. У меню га албатта киритилиши лозим. У атеросклероз касаллигини профилактика қилиш, қон босими, ичаклар ва бошқа касалликларини даволашда таъсирли дори сифатида ҳамма учун, шу жумладан, кекса кишилар учун фойдалидир.

(АПН).

●ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН





Кўни-кеча шаҳримизнинг Марказ — 5 кварталида янги кўп ўринли жамоат маркази фойдаланишга топширилди. Бу жамоат маркази қошидаги янги кафе ҳам меҳнаткашларга хизмат кўрсата бошлади. Янги кафе қошида тантанали кечалар ўтказиш учун махсус ажратилган зал ҳам бор.

СУРАТЛАРДА: [ўнгда] официантка Ирина Андонина ва ошпазлардан Носир Тоғаев, Марина Ҳасанова тайёр таомлар сифатини текшириб кўрмоқдалар. Кафенинг катта залида.

М. Нуриддинов фотолари.

Жаҳон ойнаси

ДЎСТ ДАВЛАТЛАРНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ГВИНЕЯДА

КОНАКРИ. Гвинея президенти Секу Туре Германия Демократик Республикасининг махсус делегациясини қабул қилди. Конакри радиосининг билдиришича, бу делегация Гвинеянинг хавфсизлигини таъминламоқ учун зарур бўлган моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини шу жойнинг ўзида ўрганиш мақсадида келган. Делегация агрессия натижасида зарар кўрган пойтахт аҳолиси учун самолётда дори-дармон келтирди.

Президент Жазоир ҳукуматининг махсус делегациясини ҳам қабул қилди.

(ТАСС).

МОРИС ТОРЕЗ ТЎҒРИСИДА КИТОБ

ПАРИЖ. Париждаги прогрессив нашриёт «Эдисьон сосиаль» Жорж Коньо билан Виктор Жоанес биргаликда ёзган «Морис Торез инсон ва коммунист»номли китобни чоп қилди.

Бу китоб Франция Коммунистик партиясининг 29 декабрда нишонланадиган 50 йиллиги муносабати билан нашр этилди. Франция Коммунистик партияси бош секретарининг ўринбосари Жорж Маршенинг китобда босилган сўз бошида, 1930 йилдан то 1964 йилга қадар Франция Коммунистик партиясининг бош секретари бўлиб ишлаган Морис Торез француз меҳнаткашлари учун «содиқ раҳбар ва атоқли мураббий» бўлганлигини қайд қилади.


(ТАСС).

БОЛГАРИЯ. Бургас яқинидаги нефть-химия комбинатида комбинатнинг энг йирик корхоналаридан бири синтетик каучук заводи фойдаланишга топширилди. Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган бу корхона ҳар йили мамлакатга 15 минг тонна каучук тайёрлаб беради. Корхонадаги барча ишлаб чиқариш процесслари автоматлаштирилган.

Заводда асосий маҳсулот билан биргаликда йўл-йўлакай кўн-мўйна, бўяш ва мебель саноатларида кенг қўлланадиган латекс ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: янги завод жиҳозлари.

БТА—ТАСС фотоси.



Меҳнат ва капитал

Генуяда ялпи иш ташлаш бошланди. Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва студентлар шаҳар ва вилоятларнинг экономикасини ривожлантиришсизликка қарши курашиш учун шошилинч чоралар кўришни, шунингдек, касаба союзларининг ҳуқуқларини тан олишни, уларни шаҳар проблемаларини ҳал этишда қатнаштиришни талаб қилмоқдалар.

Миландаги металлургия ва машинасозлик корхоналари меҳнаткашларидан 10 минг киши иш ташлади. Улар иш ҳақининг оширилишини ва тинчлик қурилишдаги ишлар ҳажмини қисқартиришни талаб этмоқдалар.

Сицилиянинг энг йирик шаҳарларидан бири палермода деҳқонларнинг оммавий ҳаракати давом этмоқда. Қишлоқ хўжалик ишчиларидан 10 киши ҳукуматнинг орол қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур маблағ ажратиш ҳақидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказилган намойишда қатнашди.

АҚШ ҳукумати ғаразгарлик мақсадида ишсизликни шу йилдаёқ тугатамиз, деб ваъда берган эди. Бу ваъдалар чиппакка чиқиб қолди.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича, Нью-Йорк штатининг бир ўзидагина шу йил октябрь ойида 375 минг ишсиз бўлган. Утган йили рўйхатга олинган ишсизлар қаторига яна юз минг киши қўшилди. АҚШнинг ана шу энг йирик штатида меҳнатга қобилиятли аҳолининг салкам 4,4 процентн ишсиздир. Нью-Йорк шаҳрининг бир ўзидагина 170 мингдан ортиқ киши ишдан маҳрум этилган.

Маракайбо шаҳридаги (Венесуэла) транспорт ходимларининг застовкаси ғалаба билан тугади. Такси ва автобусларнинг шоферлари меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилган эдилар ва қимматчиликнинг авж олишига қарши норозилик билдирган эдилар. Штатнинг бутун аҳолиси шоферларнинг талабларини қўллаб-қувватлади. Штат маъмурияти ўз ваъдаларини бажара бошлаганидан кейин транспорт яна қатнай бошлади.

(ТАСС).



БИРМА. Иенанчаун («Нефть дарёси») шаҳри кўчаларидан бирида. Бу шаҳар мамлакатда дастлабки нефть қазиш ишларининг маркази ҳисобланади. Шаҳар аҳолиси асосан нефть қазиш, полизчилик ва савдо билан шуғулланади.

И. Новиков фотоси.

(ТАСС).

Паргвайда диктатурага қарши кураш

САНТЬЯГО. Паргвайнинг машҳур адвокати Хуан Фернандес Сантьягода Паргвай халқи билан бирдамлик Чили комитети томонидан уюштирилган матбуот конференциясида қуйидагиларни айтди: Паргвайда бутун ҳаёти Америка қонунларига бўйсундирилган район бор.

Чако деб аталувчи бу район ўзининг нефть бойликлари билан ном чиқарган. Ана шу район томомила Америка компаниялари ихтиёрига топширилган. Америка компаниялари бу райондан жуда кўп фойда ундириб олмоқдалар. Мамлакат аҳолисининг америкаликлар рухсатисиз бу районда пайдо бўлиши тақиқланган. Пентагон Чакода оғир бомбардимончи самолётлар учун Лотин Америкасида энг катта деб ҳисобланган ҳарбий-ҳаво базасини шунингдек, ракетадан мудофаа базасини қурмоқда.

Бундан ташқари, деди Хуан Фернандес, бу ерда қабул қилинган қонунга мувофиқ, АҚШ ана шу мамлакатдаги ўз манфаатлари хавф остида қолди деб ҳисобланган тақдирда Паргвай территориясига бостириб кириш ҳуқуқига эгадир.

Фернандес Паргвай меҳнаткашларининг аҳволига тўхталиб, шу гапларни айтди: Альфредо Стресонер ҳокимияти тепасига келган 1954 йилдан буён бутун халқ шафқатсиз диктатура ҳукмронлигида яшамоқда. Аслини олганда мамлакат жуда катта қамоқ лагерига айлантирилган. Диктаторлик режимига қарши курашган неча минглаб ватанпарварлар турмаларда азоб чекиб ётибди. Паргвайликлардан 700 мингдан ортиқ киши қочиб кетган.

Аммо, деб таъкидлади Хуан Фернандес, таъқиб ва террорга қарамай, Паргвай халқи диктатурага қарши қаҳрамонона кураш олиб бормоқда ва озод бўлиш учун ҳаракат қилмоқда.

(ТАСС).

БАР АҲОЛИСИ

ҚОҲИРА. Ҳозирги вақтда Бирлашган Араб Республикасининг аҳолиси 34 миллион кишидан ортиб кетди. Статистика марказий бошқармасининг бу ерда эълон қилинган маълумотларига кўра, 1970 йилнинг июль ойида мамлакат аҳолиси 33 миллион 954 минг кишига етган. Қоҳиранинг ўзида 5 миллионга яқин киши, Искандарияда эса 2 миллиондан ортиқ киши яшайди.

3,5 миллион киши яшайдиган Дакаҳлия ва 3,3 миллион киши яшайдиган Шарқия вилоятлари Бирлашган Араб Республикаси аҳолисининг 50 процентдан ортиғи, яъни, 18,2 миллион киши йигирма ёшга ҳам тўлмаган.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ БАЁНОТИ

ХЕЛЬСИНКИ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларация қабул қилган кунининг 10 йиллиги муносабати билан жаҳон тинчлик кенгаши шу йилнинг 14 декабридан 20 декабригача «Мустамлакачиликка қарши, мустамлака мамлакатлар ва халқлар миллий мустақиллиги учун халқаро миқёсдаги ҳаракат ҳафтаси»ни ўтказишга қарор қилди.

Жаҳон тинчлик кенгаши секретариати бу ерда эълон қилган баёнотда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош ассамблеяси 1960 йил 14 декабрда мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги тарихий декларацияни қабул қилган эди.

Империалистлар, дейилади баёнотда, Ангола, Гвинея (Бисау) да, Яқин Шарқ ва Жанубий Африка халқларига қарши сиёсатни амалга ошириб, Португалиянинг фашист мустамлакачиларини қўллаб-қувватламоқдалар. Империалистлар Португалиядан Африкадаги мустақил халқларга қарши зарбдор куч сифатида фойдаланмоқдалар. Португалиянинг Гвинея республикасига қарши қилган агрессияси буни яққол исбот этади.

Жаҳон тинчлик кенгаши тинчлик тарафдорларининг миллий комитетларига, барча демократик ташкилотларга, тинчлик, адолат ва тараққиётни қадрлаётган барча кишиларга мурожаат қилиб, уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларациясини тўлиқ бажаришни талаб этишга даъват қилади.

(ТАСС).



Венгриядаги Совет маданияти кунларида Ференц Листга бағишланган «Муҳаббат оғушида», [Совет-венгер фильмининг премьераси катта воқеа бўлди. Буюк композиторнинг экрандаги образини венгер театри ва киносининг таниқли артисти Имре Шинкович ижро этди. Режиссёр Мартон Келете совет артистлари билан ҳамкорликда «Ленфильм» студиясида иш олиб борди.

Фильмдан бир кўриниш. Лист [чапдан] Россияда шоҳ саройидаги балда.

МТИ—ТАСС фотоси.

Моваҳҳад ДИЛМАГОНИЙ



Дайди артист

ҲИКОЯ

Рашид ўзига таниш бу манзарага қараб, туриб, ўзида қандайдир янги ҳис тўйғу, қувонч ва тетиклик пайдо бўлаётгани сезди. Севги ва эркинлик ҳақидаги ўйлар уни тамоман бошқа одамга айлантирган эди. Ёруғ дунё ҳам назарида энди гўзалроқ ва жозибалироқ бўлиб кўрина бошлади.

Бир неча кун ўтди. Дамавонга Рашиднинг онаси келди. Рашид у билан кўришган заҳоти.

— Она, бориб Маъсумани менга унаштириб келсанг... Жуда яхши, одобли қиз. Уни ҳамма мақтаяпти!

Фотима Султон саржадан тикилган янги чодрасини бошига илиб, ўғлининг топшириғини бажаришга кетди. У Маъсумалар уйини дарров топиб олиб, тақиллатди. Уни Маъсуманинг онаси — Зуҳра — тўла, ўрта ёшлардаги аёл очиқ чеҳра билан кутиб олди. Меҳмоннинг олдига мева-чева қўйган Зуҳра Фотима Султоннинг нима мақсадда келганини ҳам суриштирмагай, эри, болалари ҳақида унга узоқ гапирди. Рашиднинг ниятини эшитгач, кулиб айтди:

— Худо умрларини берсин! Отаси ҳам рози бўлар.

Кетатуриб Фотима Султон эшик олдида Маъсумага дуч келди. У тўқима кофтасини елкасига ташлаб ишдан келарди. У меҳмонга одоб билан салом бергач, уйга кириб кетди.

Уч кун ўтказгач, Рашиднинг онаси узук, қуръон бир кийимлик мато ва бир калла қанд билан яна Машади Алиникига йўл олди. Ўша куни Маъсумани Рашидга унаштириб, келаси пайшанбага никоҳ ўқитишга келишишди.

Пайшанба куни кечқурун Машади Али уйида жуда кўп шам ёндирилди. Ясаниб олган Маъсума ойнанинг рўпарасида кўрпача устида ўтирарди. Унинг олдида катта ёпилган нон. Унинг устига: «Бахтли бўл», деб ёзилган эди. Никоҳ тантанасида яқин қариндош-уруғлар, ёр-дўст ва қўни-қўшнилар иштирок этишди. Маҳаллий имом никоҳ ўқиди. Урф-одат бўйича келин-куёв бошидан қанд-қурс сочилди. Меҳмонларнинг хуш-хурсандчилиги билан никоҳ маросими тугади. Тўйни янаги йилга қолдиришди. Унгача Рашид қизнинг қалинига етадиган миқдорда пул йиғиши керак эди.

Никоҳдан сўнг Рашид дарҳол Теҳронга қайтиб бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишга киришди. У ҳар куни томоша кўрсатар, Теҳрон атрофидаги бутун шаҳар ва қишлоқларга Шомирон Рен. Кереж, Шамшекка бориб турарди. Ҳамма ердан у насибасини йиғиб оларди. У қачон, қаерга бормасин, Маъсуманинг жилмайиб турган қиёфаси кўз олдидан нари кетмасди. Ниҳоят, ёлғизлик ва соғинчлардан, ҳамиша гарданида оғир юк бўлиб турадиган толиқишдан қутулади. Маъсума билан янги ҳаёт бошлайди. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи унга ҳузур бахш этар эди.

Кейинги пайтларда Рашид қўл ва оёқлари унга илгаригидай итоат этмаётганини сезиб қолди. Баъзан қўллари шишиб, дармонсизланар. илгариги чаққон ҳаракатлари қолмаган эди. У буни чарчаш аломати деб, ортиқ эътибор бермас эди. Унинг бутун фикру хаёли бошқа нарса билан банд эди. Ахир бир йилдан кейин унинг ҳаётида жуда катта бурилиш бўлади.

* * *

Бугун кечаси Рашид Дамавонга келиб тушганида, бу воқеалар бўлиб ўтганига роппа-роса бир йил тўлган эди. Рашид ўзгарган: яккам-дуккам сочлари оқарган, пешонасига ажинлар тушган, хуллас, бир йил ичида у сезиларли даражада қариб қолди.

Кечаси соат ўнда Рашид Маъсумаларникига борди. Уни жуда яхши кутиб олишди. Оила дастурхон устида эди. Обгўш — қайнатма шўрва ичишаётганди. Уни ҳам дастурхонга таклиф этишди. Кечки овқатдан кейин ундан-мундан гапириб ўтиришди. ундан сўнг ҳар ким ўз иши билан бўлиб, Рашид билан Маъсума ҳовлига чиқишди.

Тун шами — ой нурида дарахтларнинг тепасида энди ёзилиб келаётган барг ва шохлар кумушранг товланарди. Атроф-теваракдан олма ва нок гулларининг муаттар ҳиди анқиб турибди. Чиридоқнинг чириллашю, итларнинг вовуллаши тун сокинлигини бузиб турарди. Қурбақалар бир оҳангда вақиллардн.

Рашид Маъсуманинг бугдойранг, чиройли қўлларини авайлаб кафтига олиб, айтди:

— Сенинг олдингга келишга қанчалик талпинганимни билсанг эди! Сенчи, мени ҳеч ўйладингми?

— Мен ҳамиша сени ўйладим, тез-тез тушимда кўрдим. Ўтган кеча туш кўрибман: иккаламиз қувишиб юрган эканмиз... Атроф кўм-кўк чўл эмиш, лола ва гуллар чаман бўлиб очилиб ётганмиш.. Шамол этагимни кўтарибди- сен кулиб орқамдан қувибсан, етиб, мени маҳкам қучоқлаб, лабимдан тишлаб олибсан...

Рашид Маъсуманинг лабларидан ўпди. Маъсума энтикиб нафас олар эди. .

— Оҳ, жонгинам, қандай ажойибсан-а! — деди Рашид. — Сен билан танишгунча мен севги нималигини билмасдим. Кўр эдим. Энди ҳаёт нималигини тушундим!

У қизни бағрига босди. Маъсума Рашиднинг қучоғидан чиқмай, айтди:

— Рашиджон, сен ўтган йилдагидан анча чўкиб қолибсан. Жуда кўп ўйладингми?

— Мен ҳамиша сени ўйладим, ҳам кўпроқ ишладим. Ишим жуда оғир. У одамни қийнаворди. Ҳамма ёғинг зирқираб оғрийди. Ҳозир бутун баданларим, биров бурдалаб ташлагандай зирқираб оғрийди.

— Ўзингни қийнама. Мен ҳам ишлайман, тирикчилигимизни амаллаб ўтказармиз.

— Қаерда ишламоқчисан? Теҳронда иш топилади, деб ўйлайсанми? Эркаклар иш тополмай юради, хотинларни гапиришдан ҳам бўлади.

У Маъсумани яна ҳам маҳкамроқ бағрига босиб, лабларидан қаттиқ ўпиб олди. Ой булутларнинг йиртиқ бурчагига кириб ғойиб бўлди.

* * *

Рашид гастролининг учинчи куни эди. Кечаси ҳарорат анча қайтган бўлса-да, барибир иссиқ нафасни бўғар эди. Кўкда дайди булутлар кезишарди. Бир тўп турли рангдаги каптарлар баландлаб учарди. Улар тикка кўтарилишар, гоҳо ғу-ғулаб ўқдай пастга учишарди, масчит пештоқида айланиб, яна кўкка парвоз қилишарди.

Рашидни оломон ўраб олган. Олдинги қаторда, ерда одатдагидай қишлоқ болалари бири-бирига гал бермай чуғурлашиб, баданларини қашиб, бурунларини кавлаб ўтиришарди. Аёллар ҳар хил гулдор чит чодраларда, эркакларнинг бошида намат қалпоқ, кенг шарвар кийиб олишган, бўйинлари офтобда қорайган. Ҳамма томоша бошланишини кутарди. Бир неча студент ўзига тўқроқ хонадонлардан бўлса керак, оломоннинг орқасида турарди. Улар орасида икки-учта америкача блузка кийган қизлар ҳам бор эди .Студентлар «Комила» сигаретаси чекишаётган эдилар., қизлар бир-бирлари билан ҳазиллашиб кулишиб туришарди.

Рашид жиддий қиёфада ўртага тушди. Оломонга қараб олди: одам кўп, яхшигина ишлаб олади. Олдинги қаторда ўтирган болалар чапак чалишарди. Рашид тошларда машқ қила бошлади. У бу тошларни юқорига отар, атрофида айлантирар, ҳавода муаллақ ўйнатиб, елкасига қўндирар эди. Шундан сўнг у бир неча акробатик номерларни намойиш этди. У қизиб кетди. Назарида мускуллари темир панжаларни шафқатсизлик билан сиқаётгандай эди. У каддини ростлаб, кўкракларини тузатиб, чуқур нафас олиб, одамларга мурожаат этди:

— Жаноблар, бизнинг номерларимиз— узоқ йиллик оғир ва узлуксиз меҳнатларимиз самарасидир. Биз бошқа мамлакатда яшаганимизда эди, эҳтимол аҳволимиз дурустроқ бўлармидик. Бироқ бизнинг Ватанимиз шу ерда, бунда одат шунақа. Эҳтимол вақти келиб мен билан Ватан фахрланар Мен юртимизга келган жуда кўп паҳлавонлар билан куч синашиб, уларнинг курагини ерга тегиздим! Биз бу билан фахрланамиз. Аммо бизнинг тақдиримиз сизларнинг қўлларингизда. Чироғимизнинг ҳамиша ёниб туриши учун ёрдамингизга муҳтожмиз! Ўз ишимизнинг осойишта давом эттиришимиз учун...

Рашид гапини тугатмай, оломон қимирлаб қолди. Ҳамма чўнтагини кавлай бошлади. Ҳар ким ҳоли қулрат Рашиднинг узатиб турган кигиз қалпоғига пул ташлади.

Бироз дам олгач, Рашид яна томоша кўрсата бошлади. Унинг қўлларида оғир тошлар. У тошларни юқорига отар, сўнг тез орқасига айланиб, тошларни елка томонидан тутиб оларди. Ҳар бир ҳаракат қилганига унинг оғзидан «эй»га ўхшаб овоз чиқарди.

Бу машқни бир неча қайтаргач, юзидаги терни артиб, ерга ўтириб олди, бир парча симни олиб, қўлига ўраб бошлади. Икки ўрамдан сўнг темир унга бўйсунмаётганини сезди. Рашид терлаб кетди, тишларини қисди, мускуллари таранг тортилиб, юзи қорайиб кетди. Қўли қалтирай бошлади. Темир тошдай қаттиқ жисмга ўхшаб, зўрга эгиларди. Бирдан Рашиднинг белида оғриқ пайдо бўлиб, томирларда қон югургандай бир зумда бутун баданига ўтди. Оғриққа қарамай Рашид бу оғир машқини давом эттираверди. Ниҳоят, у темирни қўлига ўраб олди. Чапак, ҳуштак овозлари янгради.

Рашид яна юзидаги терни артиб, қўлини қисиб турган темирдан бўшатиб олди. Бикини санчиб, юраги тез-тез ура бошлади. Томошани тўхтатмоқчи ҳам бўлди. Аммо: «Йўқ, бундай қилиш ярамайди... Ухлаб дам олсам, ҳаммаси ўтиб кетади. Бунинг аҳамияти йўқ...» —деб ўйлади яна.

Рашид қасидасини ўқиб, пул тўплади. Томошабинлар сўнгги номерни кутишяпти. Оломон ҳаяжонланиб, ўзаро шивирлашарди. Рашиднинг ёрдамчилари икки юз эллик килограмм тош осилган штангни тайёрлаб қўйишди. Рашид штанга олдига келиб тўхтади. Одамлар нафасларини ютиб, ҳайратланиб, унга боқиб турибдилар. Рашид бу оғир штангани тишлари билан кўтарди.

У оёқларини кериб, бир учи штангага боғланган занжирни тишлари орасига олди. Қўлларини тиззаларига тиради-да, бир нуччи ва тез ҳамла билан бўйнини ростлади. Бўйнига оғирлик тушганидан томирлари бўртиб кетди. Куч тўплаб, бошини яна да баландроқ кўтармоқчи бўлди. Аммо штанга ўн баравар оғирлашиб қолгандай ўрнидан жилолмади. У яна бир кучанганда юзлари қорайиб кетди-ю, аммо штанга қимир этмади. У яна кучанди. Бели қаттиқ оғриб, ўша заҳоти бутун баданига ўтди. У штангани ташлаб кетмоқчи бўлди, аммо ғурури йўл бермади. Обрўсини тўкиб, бир умрга шарманда бўлсинми! У атрофга хайрихоҳлик тилагандай назар ташлади. Ҳамма нафас олишга ҳам қўрқиб, кўзларини Рашиднинг ҳаракатларига тикиб турардилар. Оломон ўртасида оғир сукунат бошланди... «Йўқ, йўқ, нима бўлса ҳам штангани кўтариш зарур». Штанга ерга боғлаб қўйилгандай эди. «Нега у бунчалик оғир, нега ўрнидан қимирламайди? Ахир кўтаролмасам, иш тамом. Ҳамма кулади. орқа-варотдан гапириб юради. Маъсуманинг кўзига қандай қарайман? Ахир у ҳам шу ерда менга қараб турибди-ку! Э худо, ўзинг мадад бер! Нима бўлса ҳам штангани ердан узиш керак! Маглубиятдан ўлим афзал...

У мускулларини таранг тортиб, кучининг борича тишларини қисди. Аҳа! Хиёл қимирлаб, ердан бироз кўтарилди. Бу билинар-билинмас ҳаракат унга куч бағишлагандай бўлди. У яна юқорига талпинган эди, куч билан бўлса-да, штанга юқорига кўтарилди. Томошабинлар орасида жонланиш. Улар хурсанд бўлиб чапак чала бошладилар. «Офарин» деган овозлар янгради. Рашиднинг юзини бир зум қувонч қоплади-ю, аммо шу заҳоти сўнди. Унинг бош суягига биров мих коққандай боши қаттиқ оғриётган эди. Кўз олди қоронғилашди. У штангани қўйиб юборди. Бироқ ўзи ҳам оёққа туролмай каловланди ва юз тубан штангага йиқилди. Оғзидан қон тирқиради. Ҳамма у томон чопди. Маъсума чопиб келиб, уни орқаси билан ётқизмоқчи бўлди. Икки киши уни қўл-оёғидан кўтариб, четга олиб чиқишди. У кўкарган, зўрга нафас олар эди. Кўзи бировни қидираётгандай гир айланарди. Кимдир унинг кийимларини олиб келиб ёнига қўйди.

Одамлар қичқиришар, хўрсиниб афсуслашишарди. Ҳамма шу ҳақда гапирарди.

Рашиднинг юзини йирик тер томчилари қоплади. У бир неча марта кўзини очиб, нимадир демоқчи бўлди, аммо гапиролмади. Унинг юзи гўё Рашид бир нарсадан мамнун бўлгандай осойишта эди. Эҳтимол ўлим билан бўлса ҳам ўз шаънини сақлаб қолгани учун қувонаётгандир.

Орадан икки кун ўтмай Дамавонда: Маъсума жинни бўлибди, деган гап тарқалди....

(ОХИРИ. Бошқ газетанинг 280, 281-сонларида).

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

● *Донолар бисотидан*

«ГУЛИСТОН» ҲИКМАТЛАРИ

Шарқ классик адабиётининг буюк намояндаси Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг (1184-1292) қутлуғ номи жаҳонга машҳур. Унинг «Гулистон», «Бўстон» каби ўлмас асарларини ким севиб ўқимаган дейсиз?!.. Бу асарлардаги ҳикматлар ҳали ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Қўйида, «Гулистон» ҳикматларидан бир нечтасини диққатингизга ҳавола қиламиз.

Солмагил заифлар дилига алам,
Зўрроқнинг жабрига йўлиқма сен ҳам.

* * *

Фозил агар бўлса бахиллик иши,
Эрта-ю кеч таъна қилур ҳар киши.

Юз гуноҳи бўлса карам соҳибин,
Айби ёпилгандир шу эҳсонидан.

* * *

Шодлик охирида ғам бўлса иноқ,
Кети шодлик андуҳ ундан яхшироқ.

* * *

Гапнинг чинлигинқ яхши билмасдан,
Оғзинг очиб асло сўзга урма дам.
Ёлғон сенқ банддан қилса ҳам халос,
Рост гапиргин, агар бандда қолсанг ҳам.

* * *

Лутф этган кишининг хоки пойи бўл,
Дағаллик қилса соч кўзига тупроқ.
Дағал кишиларга юмшоқ гапирма,
Занг арчолмас эгов бўлганда юмшоқ.

* * *

Оқилга паст киши кўргузса шифо,
Кўп алам чекмасин бўлиб дилсиё.
Арзон тош синдирса зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар.

* * *

Одамнинг тор ичагин битта нон тўлдирар бас,
Бутун олам неъмати оч кўзни тўйдиролмас.

ДОРИХОНА КЕЧАСИ ИШЛАМАЙДИ

ЎЙЛЕ-ЎЙЛАКАЙ

Ҳозир кунлар совимадими, кенжа неварамнинг ўғлачаси шамоллаб қолибди. 24 ноябрь куни кечаси иситмаси кўтарилиб кетди. Пенициллин билан укол қилиш керак бўлиб қолди. Неварамнинг машинасига ўтириб шаҳар кездик. Аввал Ҳадрага, кейин Ўрдага, Беруний майдонига бордик. Аптекалар тақа-тақ бекилиб қолган. Шундан кейин Глинка кўчасидаги каттакон аптекага йўл олдик. У ерда ҳам ҳожатимиз чиқмади. Чироқлар ўчган, ҳатто коровул ҳам йўқ.

Энг қизиғи шундаки, аптекаларнинг пештоқига «Дорихона кечаси ишлайди» деган катта-катта ёзувлар осиб қўйилган. Ҳатто бу ёзувларнинг тепасига узоқдан кўриниб турсин деган мақсадда лампочка ҳам илиб қўйилибди. Чилонзордаги Гагарин кўчасида жойлашган аптекани тарақлатаверибди қўлимиз чарчади. Энг алам қилган жойи шундаки, бу аптекаларнинг эшигига яқин атрофда жойлашган яна қайси дорихоналар навбатчилик қилиши ҳам ёзиб қўйилган.

Товба, модомики дорихоналар кечаси ёпилиб қолар экан, унинг пештоқига тўғридан-тўғри «Аптека кечаси ишламайди» деб ёзиб қўя қолса бўлмайдими? Нима қилади одамни чалғитиб?! Шаҳар соғлиқни сақлаш биронтаси кечаси дори қидириб қолса овора бўлмайдими ахир?

САКСОН ОТА.



Ҳайвонларни асраш—Ўзбекистон халқ хўжалигининг янги тармоғи. Ихтисослашган хўжаликларнинг фермаларида халқаро аукционларда юқори баҳога эга бўлган нутрия пар вариш қилинмоқда. Ҳозир республикада ҳар хил рангдаги мўйна бера диган—оқ, қора, олтинсимон, ялтироқ рангли ҳайвонлар ўстирилмоқда. Нутриялар бутун ёзни қамишзор кўлларда ўтказиб, қишда фермалар га келтириладн.

Бу йил нутриялар билан бир қаторда Ўзбекистонда Воронеж давлат заповеднигидан келтирилган бобер лар ҳам боқилмоқда.

Бу сурат республикадаги энг ёш Термиз нутрия хўжалигида олинган. СУРАТДА: ферма ишчиси Владим ир Кабанчук ўз ҳайвонлари билан.

Н. Ключнов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● *Қизиқ гаплар*

ЭСИЗ...

Машҳур немис физиги олими Герц ўқувчилик йилларида токарлик ва дурадгорлик дастгоҳларида ишлашни яхши кўрар экан.

Кейинчалик Герц машҳур профессор бўлиб етишгач, унинг токарлик бўйича эски ўқитувчиси кўриб қолибди. Ўқувчисининг тақдирини суриштирибди ва афсусланиб бош чайқаб:

— Эсиз, эсиз! Ажойиб токарь бўладиган бола эди-я, — дебди у.

● ● ●

АЖАБО...

Инглиз олими И. Ньютон ўртоғини бирга овқатланишга таклиф этипти. Аммо иш билан бўлиб, буни унутиб, бир кишилик овқат буюрибди. Меҳмон келиб қараса, овқат тургакмиш-у, аммо уй эгаси ўзи билан ўзи овора. У Ньютонни ишдан қолдирмаслик учун ёлғиз овқатланиб олди-ю, чиқиб кетди.

— Ажабо, — деб ажабланди Ньютон бир соатдан кейин бўш идиш-товокларга қараб. — Агар идиш бўш демаса, бугун овқатланмаганимга, қасам ичишим мумкин.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1.ХІІда **Йўлчи Юлдуз**, 2.ХІІда **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2.ХІІда **Елғончи даркор**, 3.ХІІда **Қалам қошлигим**.

Кино

1 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кечқурун).

«Трест» операцияси — «СПУТНИК» (кеч 6 да).

2 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

«Трест» операцияси —«СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 5 ва кеч 6 да).

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

2 ВА 3 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

Домбробод районида жойлашган (айланма йўлда)

ТОШКЕНТ ИППОДРОМИДА ТАНТАНАЛИ «ПАХТА — БАЙРАМИ»-ГА БАҒИШЛАНГАН

ХАЛҚ САЙЛЛАРИ БЎЛАДИ

БАЙРАМ ПРОГРАММАЛАРИДА умумий от—спорт мусобақалари, ДОСААФ учувчи ва парашютчиларининг ҳамда пойтахт театр— артистларининг чиқишлари бўлади.

Ипподром районида «Пахта байрами»га бағишланиб, ярмарка ташкил этилган. Унда давлат савдоси ва матбуот кооперациясидан 50 дан ортиқ магазин ва 20 та ошхоналар ишлайди.

Ярмаркада кенг ассортиментда озиқ-овқат ва саноат моллари, хўл мевалар, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлади.

ИППОДРОМГА МАХСУС АВТОБУСЛАР ҚАТНАЙДИ;

Калинин майдонидан, Навоий театридан ва Чилонзор массивидан, 3 ва 48 автобуслар охиридан, 14 ва 24 трамвайларнинг охиридаги «Самарқанд» автостанциядан, аэропортдан 6 автобус маршрути бўйича, шаҳарнинг ҳамма енгил такси тўхташ жойларидан машиналар билан боришингиз мумкин.

«ПАХТА БАЙРАМИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

11 декабрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг илмий совети (Куйбишев кўчаси, 20 уй)да тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Х. А. Тоҳиров: «Тошкент областида биринчи беш йиллик даврида колхоз тузумининг ташкил топиши (1928—1932 йиллар)» деган темада;

Т. Л. Маслобойников: «1959—1965 йилларда Ўзбекистон колхозчи-деҳқонларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги меҳнатлари (Самарқанд область материаллари асосида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй) да танишиш мумкин.

11 декабрь кундуз соат 2 да Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлар институтининг совет кенгашида техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Н. Ширмонов: «Пахта терадиган машиналар бункерларининг сепараторларида хас-чўпларининг ажралиб чиқиш процессини текшириш» деган темада;

В. А. Поскребишев: «Механик пахта подборщигининг иш органларини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Қорияғдев кўчаси, 39-уй)да танишиш мумкин.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИ

5 декабрь кундуз соат 4 да бўладиган

«ДИНАМО» (Москва) — «МАСК» «Москва»;

командалари ўртасидаги футбол матчига билетлар заявкалар бўйича тарқатилди

3 ДЕКАБРГАЧА

стадионнинг Навоий кўчасидан кириладиган кассаларида эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача сотилишини

БИЛДИРАДИ

1970 ИЛГА БЕРИЛГАН БАРЧА ПРОПУСКЛАР БУ ЙИЛНГА ЯРАМАЙДИ.



ТЕЛЕВИЗОР

1 ДЕКАБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КУРСАТАДИ

16,45 Янгиликлар. 16.50 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 «Ахборот» информацион программаси. 18.15 «Коммунист Узбекистана» журнали—студиямиз меҳмони. 18.45 «Вена қизлари». Бадиий фильм.

Узбек тилида: 20.05 В. Маяковский. «В. И. Ленин». Адабий композиция. 20.55 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 Шеърият мухлисларига. Шуҳрат шеърлари. 21.25 «Ярим аср йилномаси». Кўп сериляли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1927 йил ҳақидаги сериями. 22.10 Янгиликлар. 22.20 «Озарбайжон тароналари». Концерт. 23.00 Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 18.00 Ўқитувчи экрани. 18.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тилидан 9-машғулот. 18.50 Биология. 10-синф. «Одам эволюциясининг босқичлари ва факторлари». 19.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тилидан 10-машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.05 «Шаҳарлар ва йиллар». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-серия. 21.00 Янгиликлар. 21.05 «Сенга. ёшлик». 21.30 Миллионлар денинча университети. 22.00 Райгли телевидение. «Аргимчоқ» Телевизион бадиий фильм. 23.05 «Вақт» информацион программаси. 23.30 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Уэбек тилида: 20.00 «Кумуш қанотлар». Кинофильм. 20.20 Скрипка куйларидан концерт.

Рус тилида: 21,00 «Бизнинг меҳрибон доктор». Бадиий фильм.

Радио

1 ДЕКАБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16,10 Я. Мирзаев. «Тириклар хотирлайди». Радиопьеса (ўзбекча). 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 18.00 «Оммани ташкилотчиси ва тарбиячиси» (русча). 18.10 Танбур тароналари. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19,20 Музикали драмалардан парчалар. 20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.20 А. Эркаев куйлайди. 22.40. Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. Ҳ. Олимжон шеърлари (ўзбекча). 23.15 Лирик концерт. 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 В. Саъдулла шеърлари (ўзбекча). 19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт. 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Қорақалпоқ куйлари. 20,50 «Икки мамлакат ҳамкорлиги». Чехословакия Социалистик Республикаси Техника ва қурилиш министри Карл Лебла ҳикоя қилади (ўзбекча). 21.00 «Янги китоблар» (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 В. Виков «Учинчи ракета». Радиопостановка (русча).

Тошкент оқшоми 4 БЕТ.
1 ДЕКАБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дав 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Мариазий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579, НАШР. 3171. Р—02000